O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

УШБУ СОНДА:

2 АРИЗА ОРТИДАГИ... ҒИРРОМЛИК

3 ТЕСТ — АДОЛАТ МЕЗОНИ

ЭГРИ ЙЎЛНИНГ ОХИРИ

4 УЛКАН ОДАМЛАР ҲАҚИДА "АФСОНА"ЛАР

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 25 (431)
2005 йил 12 июл
сешанба

Сотувда эркин нархда

**MEZON:**

**Жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий тартибда иштирок этувчи фуқароларни ҳисобга олиш иш берувчининг талабномасига мувофиқ мазкур фуқароларнинг асосий иш жойидаги Халқ банки филиалида амалга оширилади.**

**Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этувчи фуқароларни ҳисобга олиш уларнинг аризасига мувофиқ мазкур фуқароларнинг яшаш жойидаги Халқ банки филиалида амалга оширилади.**

**Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш қуйидагиларни ўз ичига олади:**

**шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиш;**

**жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини бериш.**

**Халқ банки жамғариб бориладиган пенсия тизимида фуқароларнинг шахсий ҳисобини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда юритади.**

**Жамғариб бориладиган пенсия тизимида фуқароларнинг шахсий ҳисобини юритишга доир ҳамда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига тааллуқли маълумотлар Халқ банкининг ягона маълумотлар электрон базасида шакллантирилади ва сақланади.**

**"ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 7-МОДДА.**

## ЯРАШУВ — ЭЗГУЛИКНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ



**Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, мамлакатимизда ҳокимиятнинг учинчи тармоғи — суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ўтган йиллар мобайнида ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг янги Концепцияси амалга жорий этилди.**

Мамлакат жиноий қонунчилигини эркинлаштириш юзасидан кўрилаётган муҳим чора-тадбирлар, хусусан, одил судловни амалга ошириш шаклларидан бири — Ярашув институтининг жорий этилиши, қонунийликни мустаҳкамлашда ижобий омил бўлаётир. Мана шундай халқимизнинг табиатига мос усулдан фойдаланиш ўтган давр мобайнида 30 мингга яқин фуқарони жиноий жавобгарликдан озод қилиш имконини берди.

Судларда ярашув билан боғлиқ ишлар бугунги кунда салмоқли ўрин тутади. Лекин ярашув тўғрисидаги аризани иш судгача етиб бормасдан олдин ҳам бемалол бериш мумкин. Яъни суриштирув ва дастлабки тергов пайтида ҳам уни амалга ошириш имкони мавжуд.

— 2001 йил 29 августда қабул қилинган **"Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"**ги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида ўзига хос янги даврни бошлаб берди, — дейди Республика Бош прокуратураси ходими Ислом Жасимов. — Зеро, ўтган давр мобайнида бу ҳужжат ўзининг миллий ва умуминсоний қадриятларга, халқчиллик ва инсонпарварлик тамойилларига ҳамоҳанглигини исботлади. Мазкур қонун асосида жорий этилган биргина ярашув институтининг ўзи кўплаб кишиларга хатосини ўз вақтида тузатиш, ундан тўғри хулоса чиқаришга имкон беряпти.

Жиноят кодексига киритилган янги модда — ярашганлиги муносабати билан шахсни жиноий жавобгарликдан озод этиш том маънода адолатнинг қарор топишига хизмат қилаётир. Ушбу моддага мувофиқ, 30 турдаги жиноят бўйича ярашув институтини қўллаш мумкин. Агар тарафлар ўзаро ярашиб, зарар бартараф этилса, шахс ўз хатосини англаб етиб, айбига иқрор бўлса, жиноий жавобгарликдан озод этилади.

Бу жамиятда судланганлик ҳолатини камайтирибгина қолмай, унинг узоқ давом этадиган, ҳатто авлодлар тақдирига ҳам таъсир ўтказадиган оқибатларини бартараф қилиш имконини бераётир. Қолаверса, айбга иқрор бўлишни рағбатлантираётган бу самарали ҳуқуқий институт ортиқча суд-тергов ҳаракатлари ва бу билан боғлиқ харажатларга барҳам бериб, жараённи тезлаштириш ва соддалаштиришга йўл очмоқда.

Натижада бу борада тергов ишлари ва судлар фаолиятида туб ўзгаришларга эришилмоқда. 2001 йилда 1233 нафар шахсга нисбатан ярашув қўлланилган бўлса, бу кўрсаткич йилдан-йилга ортиб, 2004 йилда ўн мингга яқинлашди.

Қонунга мувофиқ, бу жараёнда прокурорнинг қатнашиши мажбурийдир. Ярашув тўғрисидаги ариза жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёхуд унинг қонуний вакили томонидан суриштирув ва дастлабки терговнинг, шунингдек, суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд маслаҳатхонага киришидан олдин берилиши мумкин.

Ариза қабул қилиб олинаётганда энг аввало, унда етказилган зиён бартараф этилгани, шунингдек, ярашилганлиги муносабати билан жиноят иши бўйича иш юритилишини тугатиш тўғрисидаги илтимос кўрсатилганига эътибор бериш лозим. Ариза берувчига суд ярашувни тасдиқласа, мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтириш шарт.

Иш қарор чиқарилганидан кейин уч кун ичида прокурорнинг розилиги билан судга юборилади. Бу тоифадаги жиноят ишлари судда адвокат ва прокурорнинг иштирокисиз кўрилиши, уларсиз суд муҳокамаси ўтказилиши мумкин эмас.

Ярашув — фуқароларимиз манфаатларига хизмат қиладиган улкан имконият ва ғамхўрлик намунаси эканлигини таъкидлаш жоиз. Бири иккинчисини билиб-билмай ҳақоратлаган, қўл кўтарган кишилар аксарият ҳолларда эртасига бу ишидан пушаймон бўлади. Айни шундай шароитда ярашув институти фуқаролар жонига аро киради. Масалан, ўзаро келишмовчилик оилада келиб чиқса ва оқибати ярашув билан тугаса, айниқса, қувонарли ҳол. Фуқаро Э.Мўминов айтган ишини қилмай, гап қайтаргани учун турмуш ўртоғини уриб, унга енгил тан жароҳати етказади. Бунинг учун у Жиноят кодексининг 109-моддаси 2-қисми билан айбланади. Фуқаро Х.Қурбонов ҳам шундай жиноятга қўл урган.

Иккала ҳолатда ҳам жиноятчиларнинг турмуш ўртоқлари дастлабки тергов пайтидаёқ ариза билан мурожаат қилиб, ярашганлиги муносабати билан ишни тугатишни сўраган. Талаб инобатга олиниб, оилалар сақлаб қолинди.

Бундай ҳолатлар аксинча тус олса, бу оила муҳитига, фарзандлар маънавиятига қанчалик салбий таъсир кўрсатишини тасаввур қилиш қийин эмас. Шу боис ярашув институтининг жорий этилиши одамлар, айниқса, яқин кишилар, қўни-қўшнилар ўртасида келиб чиқадиган ўткинчи келишмовчиликни муросаю мадора йўли билан ҳал этишда муҳим восита бўляпти. Бу эса амалда жазо чоралари либераллашиб, қонунларимизда одиллик ва инсонварпарлик тамойиллари тобора кўпроқ намоён бўлаётганининг яққол далилидир.

**Норгул АБДУРАИМОВА**

Iftixor

## САЛОҲИЯТЛИ ХАЛҚНИНГ ЕНГИЛМАС ЎҒЛОНИ

### Рустам Қосимжоновнинг жаҳон шахмат тожини кийганига бир йил тўлди



Жаҳон чемпиони деган ном спорт оламида энг олий унвондир. Футбол, бокс, шахмат каби миллионлаб мухлислар кўнглидан жой олган энг оммавий спорт турлари бўйича эришилган улкан натижалар ҳақидаги хуш хабарлар бутун дунёга бир зумда тарқалиши маълум. Минг йиллар муқаддам пайдо бўлган шахматнинг бошқа машҳур ўйинлардан фарқи шундаки, мазкур спорт тури бўйича жаҳон чемпиони бўлиш башарият тарихида саноқли кишиларгагина насиб қилган.

Зеро, жаҳон шахмат тожи учун дунёнинг энг зўр шахматчилари расман 1886 йилдан буён кураш олиб боради. Бу тожга биринчи бўлиб австриялик Вильгельм Стейниц сазовор бўлган. Ҳамюртимиз Рустам Қосимжоновгача жаҳон шахмат тожига Эмануил Ласкер, Хосе Капабланка, Александр Алёхин, Макс Эйве, Михаил Ботвинник, Василий Смислов, Михаил Таль, Тигран Петросян, Борис Спасский, Бобби Фишер, Анатолий Карпов, Гарри Каспаров, Владимир Крамник, Александр Халифман, Вишванатан Ананд ва Руслан Пономарев эгалик қилган.

2004 йили Ливия пойтахти Триполи шаҳрида Халқаро шахмат уюшмаси — ФИДЕ шафеълигида ўтказилган шахмат бўйича жаҳон чемпионатини мухлислар ҳаяжон билан кузатиб бордилар. Унда дунёнинг 56 мамлакатидан 128 нафар энг кучли шахматчи жаҳон шахмат тожи учун курашди. Улар орасида камтар, камгап, истараси иссиқ йигит — ўзбек ўғлони Рустам Қосимжонов ҳам бор эди.

Бу мусобақа Рустамни жаҳон вице-чемпиони, амалдаги Европа чемпиони Василий Иванчук, беш карра Венгрия чемпиони Золтан Алмаши, шунингдек, Александр Гришчук, Веселин Топалов ҳамда Майкл Адамс каби энг кучли шахматчиларга рўбарў қилди. Ўзбекистонлик халқаро гроссмейстер номи бу улуғ шахматчиларни кетма-кет мағлубиятга учратиб, жаҳон шахмат тожи сари яқинлаша борди.

Ниҳоят финал... Рустам Қосимжоновнинг шахматчилик фаолиятидаги энг муҳим ва машҳур учрашувини йигирма олти миллионлик Ўзбекистон халқи ҳаяжон билан томоша қилди. Рақиб энг кучли гроссмейстерлардан бири — англиялик Майкл Адамс эди.

Финалнинг классик шахмат бўйича олти партиясида кучлар тенг келди — бутун дунё бўйича миллионлаб мухлису мутахассислар эътиборини ўзига қаратган гроссмейстерлар 3:3 ҳисобида дуранг ўйнади. Мусобақа қоидасига кўра, жаҳон чемпиони рапид - тезкор шахмат бўйича «тай-брейк»да аниқланадиган бўлди. Тезкор шахматда жаҳонда Рустамнинг олдига тушадиган ўйинчи кам. Буни «тай-брейк» баҳслари яна бир карра исботлади. Икки партиянинг биринчисида дурангга рози бўлган Рустам Қосимжонов кейинги баҳсда мураккаб вазиятда оқилона иш тутиб, тажрибали рақибини боши берк кўчага киритиб қўйди. Натижада ўзбек ўғлони жаҳон шахмат тожининг соҳибига айланди!

Бу тарихий воқеа Ўзбекистонда катта шодлик билан кутиб олинди. Минглаб ҳамюртларимиз майдонлару хиёбонларни тўлдириб сайлга чиқдилар.

*(Давоми иккинчи бетда)*

Bugunning gapi

**Ҳаётда оддий, аммо теран мазмунга эга ҳикмат бор. Киши ўз ишидан манфаатдор бўлишини англаса, эртанги кунга ишончи баланд бўлса, ғайрат-шижоат билан меҳнат қилади, ўзининг яратувчилик, бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқаради. Бошқача айтганда, фидойилиги билан мўъжизалар яратади, ҳаётга файз киритади.**

## ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА...

Бизнинг хусусий фирмамиз ташкил топганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо унинг номи-ю маҳсулотларини Бухородан ташқарида ҳам яхши билишади. Чунки ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз сифати ва замонавийлиги билан хорижникидан асло қолишмайди. Мен "Ташаббус-2003" республика танловининг "Энг яхши тадбиркор" йўналишида иккинчи ўринга сазовор бўлдим. Бу тадбир фирмамизнинг пойтахтда мамлакат ишбилармонлари даврасидаги ўз тақдимоти вазифасини ўтади, десак, тўғри бўлади. Шундан эътиборга тушдик. Маҳсулотларимизга талаб кучайди.

Ишлаб чиқариш ҳажми ҳам йил сайин ўсиб бораяпти. Агар фирмада 2002 йилда 2 миллион 250 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, бултур бу кўрсаткич 27 миллион 669,3 минг сўмни ташкил қилди.

Кўпинча мендан ютуқларингизнинг омили нимада, деб сўрашади. Мен бундай пайтда табиийки, муваффақиятларимизнинг бош омили мамлакатимизда тадбиркорликка катта эътибор берилаётганлиги билан боғлиқ, деб айтаман.

Аслида ҳам, бугун ишлайман, ўзимни кўрсатаман, деган кишига барча шарт-шароит, қулайлик муҳайё этилган. Фақат одамнинг ўзида интилиш, изланиш, ғайрат-шижоат бўлса, бас.

*(Давоми иккинчи бетда)*

Xabar

## ИЗЛАРНИ ЙЎҚОТИШГА УРИНИШ

**БМТнинг Қочқинлар бўйича Олий комиссарлиги бошқармаси ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қатор ташкилотларнинг Лутфулло Шамсутдиновни Ўзбекистонга топширмаслик тўғрисидаги талаби асоссиздир.**

***Тошкент. (6 июл, РИА "Новости", Абу Али НИЁЗМАТОВ).***

БМТнинг Қочқинлар бўйича Олий комиссарлиги бошқармаси ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қатор ташкилотларнинг Олмаота шаҳрида ҳибсга олинган Лутфулло Шамсутдиновни Ўзбекистонга топширмаслик тўғрисидаги талаби асоссиздир. Бу ҳақда чоршанба куни Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизматидан РИА "Новости" агентлигига маълум қилинди.

Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизматидан (МХХ) маълум қилишларича, "4 июл куни Олмаотада қўлга олинган Ўзбекистон фуқароси Лутфулло Шамсутдиновга нисбатан Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг тергов бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг "Ўта оғир оқибатларга олиб келган террорчилик" ва "Аҳоли орасида саросима уйғотиш мақсадида ахборот тарқатиш" моддалари бўйича жиноий иш қўзғатилган".

МХХ жамоатчилик билан алоқалар бюроси раҳбари Олимжон Тўрақуловнинг сўзларига кўра, "Шамсутдинов республика бўйича қидирувда бўлиб, Саиджаҳон Зайнобитдинов деган бошқа бир "инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси" билан битта жиноий иш бўйича айбланмоқда".

Шунингдек, мазкур бюро раҳбарининг таъкидлашича, Шамсутдинов ўз оила аъзолари билан 27 май куни Қозоғистонга учиб кетди, деган ахборот ҳақиқатга тўғри келмайди. "Шамсутдинов ва унинг оила аъзолари "Тошкент" аэропортининг чегара назоратидан ўтганлар рўйхатида қайд этилмаган", — деди О.Тўрақулов.

«Бундан ташқари, тергов органларида Шамсутдинов ва Зайнобитдинов Андижон шаҳрида фожиали воқеалар содир этилган кунлари олдиндан буюртма бўйича ҳаракат қилганлиги ҳақида далиллар бор», — деди бюро раҳбари.

О.Тўрақуловнинг маълум қилишича, Шамсутдинов ўз "буюртмачиларига" Андижонда рўй бераётган воқеалар тўғрисида хабардор қилиб туриш, шунингдек, воқеа жойидан олдиндан бичиб-тўқилган ёлғон ахборотларни тарқатиш учун керак бўлган".

"Ўзбекистон махсус хизматлари Шамсутдинов оиласи билан Тошкентга ва бу ердан дипломатик номерли автомобилда Қозоғистонга яширинча, ноқонуний олиб чиқиб кетилиши қандай ташкил этилгани тўғрисида инкор қилиб бўлмайдиган далилларга эга", — деб қўшимча қилди МХХ бюроси раҳбари.

"Биз қатор оммавий ахборот воситаларида ушбу факт бўйича кўтарилаётган шов-шувларни изларни йўқотишга уриниш, деб ҳисоблаймиз", — дея таъкидлади О.Тўрақулов.

Talab, taklif, mulohaza

***Мамлакатимиз тараққиётининг устувор йўналишларидан ҳисобланувчи хусусий тадбиркорлик соҳасининг иқтисодиётимиздаги ўрни беқиёсдир. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотнинг эллик беш-эллик олти фоизи хусусий секторнинг ҳиссасига тегишли бўлишига эришиш истиқболдаги энг асосий вазифалардан биридир. Мустақиллик даврида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун унинг ҳуқуқий базасини таъминлаш, айниқса, кичик ва ўрта бизнесни ҳар жиҳатдан ҳимоялашга қаратилган чора-тадбирлар изчил қўлланиб келинаётир. Жумладан, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун ҳамда бу соҳага оид бошқа қонунлар, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тадбиркорлик учун қулай шароит яратиш, уни қўллаб-қувватлашга доир қонунчилик тизимини ташкил қилади.***

## ҲАКАМЛИК СУДИ

Ўз навбатида тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг такомиллаштирилиши, янада соддалаштирилиши мамлакатимиз тараққиёти истиқболига ҳар жиҳатдан мос келади. Шу нуқтаи назардан қараганда, бу борада ҳакамлик судини ташкил этиш айни пайтдаги ғоят долзарб вазифалар сирасига киради.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 14 июндаги **"Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармонида белгиланишича, **"тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги хўжалик низолари хўжалик суди ёки ҳакамлар суди томонидан кўриб чиқилади"**.

Мазкур Фармонда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, назорат идораларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш каби мақсадлар кўзда тутилган.

*(Давоми учинчи бетда)*

**Ҳаммамизга яхши маълумки, мамлакатимизда фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи қонун билан кафолатланган. Бу шуни англатадики, сизни иш фаолиятингизда ёки шахсий ҳаётингизда бирон-бир муаммо қийнаётган бўлса, марҳамат, истаган идорага мурожаат қилинг. Талабингиз қонуний бўлса, у ҳеч шубҳасиз, қаноатлантирилади.**

Dakki

# АРИЗА ОРТИДАГИ... ҒИРРОМИЛИК

Чуст туманидаги "Яндашали" хусусий агрофирмаси раҳбари Яндашали Раҳмонқулов ўтган йил 16 июлда вилоят адлия бошқармасига ариза билан мурожаат этган эди. Мазкур аризага бошқарма томонидан ўтган йил 9 августда жавоб берилган. Бироқ, буни қарангки, орадан сал кам бир йил вақт ўтиб, яъни шу йил1 июн куни у навбатдаги аризани ёзди. Шунингдек, у ўз аризасида бир нафар мутахассис юбориб, аризада кўтарилган муаммони жойида ҳал этишни сўраган.

Табиийки, ариза муаллифининг талаби ерда қолмади. Шикоят мутахассислар иштирокида жойида ўрганилди.

Аммо...

Гап шундаки, ўрганиш жараёнида шикоят муаллифи қўрқоқ олдин мушт кўтаради, қабилида иш тутгани маълум бўлиб қолди.

Шу ўринда сўзимизни хиёл илгарироқдан бошлайдиган бўлсак, 2001 йилнинг 20 августида Чуст туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг 2-сонли умумий йиғилиш қарорига биноан Яндашали Раҳмонқуловга хўжаликнинг сут-товар фермаси, 157 бош молга мўлжалланган бино, техника, озуқа ва экин майдонларини ажратиб бериш кўзда тутилган. Бу ҳақда томонлар ўртасида 2002 йилнинг 6 апрелида олди-сотди шартномаси ҳам тузилган. Мазкур шартномага кўра, 157 бош қора мол 25.316.370 сўмга баҳоланиб олдиндан 15 фоиз, яъни 5.797.451 сўм миқдорда тўлов амалга оширилиши керак эди. Қолган 21.518.889 сўмни эса 2002 йилдан 2007 йилгача, яъни беш йил мобайнида тўлаши керак эди.

Бироқ шартнома шартлари агрофирма раҳбари томонидан қўпол равишда бузилади. Шунинг натижасида ўтган йилнинг 6 мартида ширкат хўжалиги билан агрофирма ўртасида солиштирма далолатнома тузилади. Бу ҳужжатга кўра "Яндашали" хусусий аргрофирмасининг 17.813.370 сўм узоқ муддатли, 2003 йил учун жорий тўловдан қолган 1.927.635 сўм, жами 19.785.975 сўм қарзи борлиги қайд этилади. Бу масаланинг бир жиҳати. Унинг иккинчи томони шундан иборатки, Я.Раҳмонқулов ўз вақтида "Ўзбекистон" ширкат хўжалигидан 157 бош қорамолни қабул қилиб олган эди. Шу боис унинг зиммасида фаолиятни оқилона йўл қўйиш, чорвачиликни ривожлантириш мажбурияти юклатилганди. Бироқ туман статистика бўлимидан олинган маълумотномага қараганда, бугунги кунда "Яндашали" хусусий агрофирмада бор-йўғи 86 бош қорамол қолган, холос. Фирма раҳбарининг тушунтиришича, гўё моллар айни кунда, қўшни республиканинг яйловларида боқилаётган эмиш...

Яна шуни айтиш керакки, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан 2005 йил ҳосили учун хусусий агрофирма 10 гектар майдонга ғалла, 16 гектар майдонга пахта ҳамда 6 гектар майдонга чорва моллари учун озуқа экинлари экиши режалаштирилган эди. Бироқ агрофирма раҳбари ижарага берилган ерлардан ўзбошимчаларга фойдаланишга ўтади. Энг ачинарлиси шундаки, пахта экилиши шарт бўлган 6 гектар майдоннинг 1 гектарига буғдой, 2 гектарига тарвуз, 3 гектарига маккажўхори экилганини қандай изоҳлаш керак?! Ваҳоланки, агрофирма "Чуст пахта толаси" акционерлик жамияти билан шу йилнинг 20 январида контрактация шартномаси имзолаган, унга кўра, 16 гектар майдондан 32 тонна пахта хомашёси топшириши керак эди.

Агрофирма тасарруфидаги ғалла майдонлари кўздан кечирилганда, 16,1 гектар ерга бошоқли дон экилганлиги аниқланди. Аниқроқ айтганда, режадан ташқари 6,1 гектар ерга ғалла экилган. Бироқ агрофирма томонидан "Попдонмаҳсулот" акционерлик жамиятининг Чуст туман филиалига шартномага мувофиқ, бошоқли дон сотилмаган. Бундан кўринадики, ердан хўжасизларча фойдаланилган, ҳосил талон-тарож қилинган.

Ўрни келганда яна шуни айтиш керакки, 2002 йил 10 июнда "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги билан "Яндашали" хусусий агрофирмаси ўртасида ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисида шартномаси имзоланган. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 5 ноябрдаги **"Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим йўналиши тўғрисида"**ги қарорида барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликлар билан ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш шартномасини қайта тузиш қайд этилган Шунга кўра, туман ер ресурслари бўлими томонидан "Яндашали" хусусий агрофирмаси бир неча марта огоҳлантирилган. Лекин агрофирма томонидан ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш шартномаси ҳозиргача қайта тузилмаган...

Республика Олий хўжалик суди пленумининг 2004 йил 12 мартдаги қарорида **"Фермер хўжаликлари томонидан пахта экишга мўлжалланган ерларга бошқа экинлар экиш, ер ижара шартномасини қўпол равишда бузиш деб баҳоланиши, бу эса ўз навбатида Ер кодексининг 36-моддаси, Фуқаролик кодексининг 382-моддаси 2-қисмига кўра фермер хўжалигининг ер участкасига бўлган ҳуқуқи ва ер ижара шартномасини бекор қилиш учун асос бўлиши учун хўжалик судларига тушунтирилсин"** деб белгиланган.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, вилоят адлия бошқармаси "Яндашали" хусусий агрофирмаси билан тузилган ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш шартномасини бекор қилиш тўғрисида вилоят хўжалик судига шу йилнинг 21 июн куни даъво ариза киритди.

Мана сизга бир мурожаат ортидаги можаро.

Хўш, Яндашали Раҳмонқулов юқори идорага мурожаат қилаётган, устига-устак "бир нафар мутахассис келиб, аризани жойида ўрганиб чиқсин", дея талаб қўяётган пайтда, ўзи йўл қўйган суистеъмолчиликларни ҳаёлига келтирмаганмиди?

Йўқ, у масаланинг бу томонини ўйламаган десак, бунга биров ишонмайди. Негаки, унинг ўзи барча талон-тарожликнинг бошида турган. Демак, у шикоят ёзаркан, қўрқоқ олдин мушт кўтарар қабилида иш тутган. Ўтказилган текширув эса ким ҳақу ким ноҳақ эканини кўрсатиб берди.

**Ҳакимжон ХАЛИЛОВ,**
**Наманган вилояти**

Muloqot

## ҲАЙФСАН ТЎҒРИ БЕРИЛГАН

**Яқинда бир кун сабабсиз ишга бормай қолдим. Корхона раҳбари меҳнат интизомини буздингиз, деб менга ҳайфсан берди. Раҳбарнинг бундай йўл тутиши қонун бўйича тўғрими? Умуман айтганда, интизомий жазоларга нималар киради ва улар қандай ҳолатда қўлланилади?**

**Нажмиддин СОЛИЕВ,**
**Тошкент шаҳри**

— Меҳнат кодексининг 11-боби меҳнат интизомига бағишланган бўлиб, корхонада меҳнат тартиби иш берувчи, касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқлайдиган ички меҳнат тартиб-қоидалари билан белгиланади.

Албатта, ходим меҳнат интизомига риоя қилиш учун ўзининг бурчини амалга ошириши лозим. Яъни у ўз меҳнат вазифаларини ҳалол, виждонан бажариши, меҳнат интизомига қатъи риоя қилиши, иш берувчининг қонуний фармойишларини ўз вақтида ва аниқ амалга ошириши, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя қилиши, иш берувчининг мол-мулкини авайлаб-асраши шарт.

Ходимнинг меҳнат вазифалари ички тартиб-қоидаларида, интизом тўғрисидаги устав ва низомларда, корхонада қабул қилинадиган локал ҳужжатларда (жамоа шартномаларида, йўриқнома ва ҳоказолар) аниқ белгилаб қўйилади.

Меҳнат интизомини йўлга қўйишда иш берувчининг бурчи қуйидагилардан иборатдир. Яъни, иш берувчи ходимлар меҳнатини ташкил қилиши, қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган шарт-шароитни яратиб бериши, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини таъминлаши, меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя этиши, ходимларнинг талаб ва эҳтиёжларига эътибор билан қараши, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаб бориши, ушбу кодексга мувофиқ жамоа шартномаларини тузиши шарт.

Иш берувчи ходимдан унинг меҳнат вазифалари доирасига кирмайдиган ишларни бажаришни, қонунга хилоф ёки ходим ва бошқа шахсларнинг соғлиғи учун хавф туғдирувчи, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи ҳаракатлар қилишни талаб этишга ҳақли эмас.

Меҳнат интизоми ҳалол меҳнат учун рағбатлантириш ва мукофотлаш усуллари билан нормал тарзда ишлашга зарур ташкилий ва иқтисодий шароитларни яратиб бериш, ноинсоф ходимларга нисбатан жазо чораларини қўллаш орқали таъминланади.

Бундан ташқари иш ютуқлари учун ходимни рағбатлантириш мумкин. Рағбатлантириш турлари, уларни қўлланиш тартиби, афзаллик ва имтиёзлар бериш жамоа шартномалари, ички меҳнат тартиб-қоидалари ва бошқа локал ҳужжатларда, жамоа келишувларида, интизом тўғрисидаги устав ва низомларда белгилаб қўйилади.

Бироқ интизомий жазо чорасини ҳали кучда бўлган муддат мобайнида ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилмайди. Шунингдек, иш берувчи меҳнат интизомини бузгани учун ходимга қуйидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли;

1) Ҳайфсан;

2) Ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима;

Ички меҳнат тартиб-қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин. Ходимнинг иш ҳақидан жарима ушлаб қолиш Меҳнат кодекснинг 164-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда иш берувчи томонидан амалга оширилади.

3) Меҳнат шартномасини бекор қилиш (100-модда иккинчи қисмининг 3 ва 4 бандлари)

Агар юқоридагилардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, сизга ҳайфсан берган раҳбарингиз қонуний йўл тутган.

## ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНГАН

**Яқинда ҳаётимизда бир нохуш воқеа рўй берди. Яъни дўкондан озиқ-овқат маҳсулоти сотиб олган эдик. Аммо ушбу маҳсулот сифатсиз ва истеъмол муддати ўтган экан. Шунинг натижасида заҳарланиб шифохонада даволаниб чиқдик. Албатта, биз бундан ҳам моддий, ҳам маънавий зарар кўрдик. Айтмоқчиманки, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарган ва сотган шахсларга нисбатан қонунда қандай жавобгарлик белгиланган? Шу ҳақда маълумот берсангиз.**

**О.ТОШМУРОДОВ,**
**Касби тумани**

— Албатта, сизнинг саволингизнинг ҳам қонуний ечими бор. Жумладан, сифатсиз масулот ишлаб чиқарган ёки сотган шахсларга нисбатан Жиноят кодексининг 186-моддасида жиноий жавобгарлик белгиланган. Ушбу моддага мувофиқ, товар бозорига сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки уни сотиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Агар бундай ҳатти-ҳаракат одам ўлишига сабаб бўлса, уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

## БОЛАНИ ОИЛАГА ТАРБИЯГА ОЛИШ

**Болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тартиби қандай? Шу ҳақда маълумот беришингизни илтимос қиламиз.**

**Баҳодир ТАНГРИЕВ,**
**Бухоро вилояти**

— Тўғри, оилага болани фарзандликка олиш муайян тартиб-қоида асосида амалга оширилади. Хусусан, Оила кодексининг 194-моддасида оилага тарбияга бериладиган болалар (патронат) ҳақида сўз юритилган бўлиб, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, вояга етмаган болалар, шу жумладан, тарбия ва даволаш муассасаларида, шунингдек аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаларидаги болалар оилага тарбияга берилади.

Болаларни оилага тарбияга олишни истаган шахс васийлик ва ҳомийлик органлари билан келишилган ҳолда болаларни олдиндан танлаб олади.

Болаларни оилага тарбияга бериш уларнинг хоҳишини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Болаларни оилага тарбияга бериш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади:

Болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишув васийлик ва ҳомийлик органлари билан тутинган ота-она ўртасида тузилади.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишув қуйидаги ҳолларда бекор қилинади. "Болаларни тарбияга олиш тўғрисидаги келишув узрли сабаблар (касаллиги, оилавий ёки мулкий мавқеининг ўзгариши, тарбиясидаги болалар билан ўзаро бир-бирини тушунмаслик ва бошқа сабаблар) мавжуд бўлса, болаларнинг тутунган ота-онаси, шунингдек, васийлик ва ҳомийлик органларининг ташаббуси билан ёки бола ота-онасига қайтарилган ёхуд бола фарзандликка олинган тақдирда муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

Болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишувни бекор қилишга оид низолар суд тартибида ҳал қилинади.

Саволларга ҳуқуқшунос С. НИЁЗОВА жавоб берди.

# САЛОҲИЯТЛИ ХАЛҚНИНГ ЕНГИЛМАС ЎҒЛОНИ

### Рустам Қосимжоновнинг жаҳон шахмат тожини кийганига бир йил тўлди

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига биноан Рустам Қосимжонов ғолибликни қўлга киритиб, халқимизга хос юксак интеллектуал салоҳият, мардлик ва жасорат намунасини амалда намоён этгани, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, шуҳратини бутун дунёга тараннум этишга қўшган улкан ҳиссаси учун Амир Темур ордени билан мукофотланди.

Рустам Қосимжонов буюк саркарда ва давлат арбоби, Соҳибқирон бобомиз номи билан аталадиган мукофот билан тақдирланганида ўзига хос рамзий маъно бор, албатта.

Юртбошимиз айтганидек, мамлакатни дунёга тез танитишда спортнинг аҳамияти беқиёс. Рустам жаҳон чемпионлигига сазовор бўлиб, бутун дунёга ўзбек халқи ҳеч кимдан кам эмаслиги, ҳеч қачон кам бўлмаслигини исботлади. Айниқса, дунё шахмат оламида катта обрў-эътибор қозонган юртдошимиз эришган бу улкан ғалаба Амир Темур бобомизнинг «Биз киммиз, қандай буюк зотларнинг авлодимиз?» деган умрбоқий сўзларини ёдга солади.

Рустам Қосимжоновнинг ғалабаси не-не буюк зотлар учун муқаддас бешик бўлган она юртимизда қадимдан мавжуд бой маданий муҳит, юксак тафаккур мактабининг мантиқий натижасидир.

Улуғ боболаримизга мансуб теран тафаккур, мардлик ва жасорат фазилатларини намоён қилган Рустам Қосимжонов гўзал ва бетакрор юртимиз - Ўзбекистонимизни бутун дунёга тараннум этди, жаҳон жамоатчилиги томонидан шахмат қироли, деб тан олинди.

Оддий ўзбек йигитининг бу тарихий ғалабаси халқимиз, аввало, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни мана шундай улуғвор ишлар, юксак марралар сари руҳлантиради, уларнинг ўз кучи ва салоҳияти, эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлайди, ғурур-ифтихори манбаи бўлиб хизмат қилади.

Рустам жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлганидан буён ўтган вақт давомида Ҳиндистонда «Пуна Интернэйшнл» супертурнирида, Голландияда рапид - тезкор шахмат бўйича ўтказилган «НК-Рапид» халқаро турнирларда ғолиб чиқди, Ўзбекистон терма жамоаси таркибида Испанияда ташкил этилган XXXVI жаҳон шахмат олимпиадасида саккиз партия ўйин ўтказиб, енгилмаган шахматчилардан бири бўлди.

Ҳозир Рустам Қосимжонов кузда Аргентинада мутлақ жаҳон чемпионлиги учун бўладиган беллашувга қизғин тайёргарлик кўряпти. Маълумотларга қараганда, Рустам қатор нуфузли турнирлар ташкилотчиларидан мусобақада қатнашиш учун таклиф олган. Бироқ ҳамюртимиз учун энг асосий мусобақа Аргентинада бўлади.

Омад сенга ҳамиша ёр бўлсин, ўзбекнинг енгилмас ўғлони!

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**
**Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА)**
**олган сурат**

Bugunning gapi

# ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА...



*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Шунингдек, давлатимиз томонидан биз тадбиркорларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор, айниқса, турли хил тўсиқлардан қонун йўли билан ишончли ҳимоя қилинаётгани ҳар бир кишини руҳлантиради.

Яқинда Президентимизнинг **"Микрофирма ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармони ҳам шу эътиборнинг бир кўринишидир. Давлатимиз раҳбарининг мазкур фармонига кўра, жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловини жорий этиш кўзда тутилган. Шу ўринда табиий савол туғилади: хўш, бу янгилик биз, тадбиркорларга яна қандай имкониятлар эшигини очади?

Шу пайтга қадар даромадимизнинг 15,2 фоизини солиқ тўловига сарфлардик. Энди эса бу кўрсаткич анча пасайди ва шу ҳисобдан фирмамиз ҳамёнига йилнинг иккинчи ярмида 3 миллион сўмдан зиёдроқ маблағ қолади. Биз бу маблағни ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ходимларимизни моддий рағбатлантиришга сарфлаймиз.

Энг асосий мақсадимиз — фаолиятимизни кенгайтириб, янги иш ўринларини очишдир. Чунки тадбиркор бир кишини иш билан таъминласа, шунинг ортидан унинг оиласи, фарзандлари баҳраманд бўлади. Бу — энг катта савоб эмасми?!

Албатта, янгилик ҳаётда ўз-ўзидан қарор топиб қолмайди. Бу борада ютуқ ва муваффақиятлар билан бирга турли хил муаммо ва тўсиқлар учраши табиий.

Шу ўринда тадбиркорлик ривожига халақит бераётган айрим муаммоларни айтиб ўтмоқчиман. Амалдаги тартибга кўра, тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган қўшма корхоналар қўшимча қиймат солиғидан ташқари барча солиқлардан озод қилинган. Бундай рағбатнинг самараси катта бўлади. Шундай экан, замонавий хориж технологияси ва ускуналари асосида ишлаётган, импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарадиган маҳаллий корхоналарга ҳам ана шундай имтиёз берилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бундай имтиёзнинг аҳамияти катта: биринчидан, маҳсулотларнинг нархи арзонлашади. Шунингдек, ишлаб чиқариш қувватини ошириш, бозорни сифатли моллар билан тўлдириш имконияти янада кенгаяди, солиқ тушуми ортади.

Бу менинг тадбиркор сифатидаги бир таклифим.

Сўзимнинг сўнгида яна шуни айтмоқчиманки, бугун ишлайдиган замон келди. Шу пайтгача амалда бўлган ва янги қабул қилинаётган қонунларнинг барчаси тадбиркор ва ишбилармонларни қўллаб-қувватлайди. Ҳуқуқий кумак беради. Шундай экан, бундан буёғига биз — тадбиркорлардан фақат ва фақат ташаббускорлик, фидойилик ва ҳалол меҳнат талаб қилинади.

**Олим ФОЗИЛОВ,**
**тадбиркор**
**Бухоро шаҳри**

Shartnoma qonunchiligi

# УНДИРИЛГАН ҲАҚ

**Агар бундан ўн беш йил муқаддам бирон кишига шахсий трактор сотиб оласизми, десангиз, дафъатан ҳайрон бўлиб қоларди. Бу бежиз эмас, албатта. Нега деганда, шўро даврида шахсий трактор сотиб олиш, умуман айтганда, хусусий мулкка эга бўлишни киши тасаввурига сиғдира олмасди. Мустақилликка эришилгандан буён ўтган давр мобайнида ҳаётимиз ва энг муҳими, тафаккуримизда ақл бовар қилмас ўзгариш ва янгиланиш юз кўрсатди. Бунга бугун юртимизнинг шаҳар ва қишлоқларини кезганда, одамлар бир суҳбатлашганда гувоҳ бўлиш мумкин.**

Шу ўринда яна бир ҳаётий мулоҳаза. Бундан кўп эмас, олти-етти йил бурун аксарият фермер хўжаликлари ширкат хўжаликларидан техника сўраб олиб, фойдаланишарди.

Аммо жуда қисқа вақт ичида аҳвол тубдан ўзгарди. Яъни фермер хўжаликлари ширкат хўжаликларига нисбатан иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлиб олишди. Натижада бугун баъзи ширкат хўжаликлари фермернинг кўмагига муҳтож эканига ҳам гувоҳ бўлиш мумкин.

Бунинг асосий сабаби мамлакатимизда хусусий мулкчиликка кенг йўл очилгани, одамлар тафаккур тарзида кескин ўзгаришлар юз кўрсатиб, илгариги мудроқлик, боқимандалик ўрнини уйғоқлик, ташаббускорлик эгаллагани билан изоҳланади. Қолаверса, мамлакатимизда тадбиркорлик, меҳнат қилиш эркинлиги, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги давлатимиз томонидан муҳофаза этилиши ҳам ана шундай эзгуликка кенг йўл очиб берди.

Гапни хиёл олисдан бошлашимизга Жиззах вилоят адлия бошқармасининг фуқаролик ишлари бўйича судига киритган бир даъво аризаси сабаб бўлди. Масала шундаки, фуқаро Маҳмуд Мелибоев Бахмал туманининг "Қатортол" ширкат хўжалигида яшайди. У ўзининг "МТЗ-80" русумли шахсий тракторига эга. Демак, трактор М.Мелибоевнинг шахсий мулки. У ана шу техника воситасида шартнома асосида техника хизмати кўрсатилиши, кимнингдир юмушини бажариб, оғирини енгил қилиши, меҳнати орқасидан оиласини боқиши, жамиятга наф келтириши мумкин. Қонун буни тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Қисқаси, кунларнинг бирида қўшни — Ғаллаорол туманининг



"Кўкбулоқ" ширкат хўжалигидан Маҳмуд Мелибоевнинг олдига вакил келади. Шартнома тузиб ширкат хўжалиги билан ҳамкорлик қилса, яхши ҳақ тўлашларини айтади. Хуллас, икки ўртада транспорт воситасини ижарага олиш тўғрисида шартнома тузилади. Шартномага кўра, М.Мелибоев ўзининг шахсий трактори билан қишлоқ хўжалик ишларини бажариб бериши, ширкат хўжалиги эса унга бир гектар ерга ишлов бергани учун 2500 сўм, бир гектар ғалла уруғи қадагани учун 3000 сўм, бошқа ишларни бажарганига соатига 450 сўмдан хизмат ҳақи тўлаши керак эди.

М.Мелибоев хўжаликнинг биринчи бўлимидаги 50 гектар ерга ишлов беради. 190 гектар майдонга эса ғалла уруғи қадайди. Ширкат хўжалиги бош ҳосилоти А.Мамадаминов, бўлим бошлиғи Б.Ҳотамов ва Қ.Бўтаев М.Мелибоевнинг бажарган ишларини ҳисоблаб, сўнг маълумотнома тузишади. М.Мелибоевнинг кўрсатган техника хизмати учун 695 минг сўм хизмат ҳақи ҳисобланади.

Шартноманинг 4-бандида тўлов ишлар тугагач, амалга оширилиши белгиланган. Унинг 6-бандида эса ижарага олувчи шартномада белгиланган муддатларда тўловни амалга оширмаса, олтмиш кун ичида кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,5 фоизи ва бир ойдан кўп бўлмаган муддатда кечиктирилган сумманинг 2,5 фоизи миқдорида жарима тўлаши қайд этилганди. Шартномадаги мажбуриятлар бежизга тилга олинмаяпти. Чунки ширкат хўжалиги мутасаддилари ишлари битгач, ҳисоб-китоб қилишни унутиб қўйишди. Шу тарзда бир йил ўтди. Бу вақт ичида М.Мелибоев 70 чақирим йўл босиб, қўшни туманнинг "Кўкбулоқ" ширкат хўжалигига қатнаб чарчади. Тоқати тоқ бўлиб, охири Жиззах шаҳридаги "Мададкор-А" аудиторлик фирмасига хўжалик билан ўртасидаги ҳисоб-китобга аниқлик киритиб беришни сўрайди. Аудиторлик фирмаси мутасаддилар томондан тузилган далолатномада ширкат хўжалиги ҳисобидан М.Мелибоев фойдасига 695 минг сўм асосий қарз, хизмат ҳақини вақтида тўламаганлиги учун 364 минг 875 сўм жарима, жами бўлиб 1 миллион 59 минг 875 сўм ундириш кераклиги кўрсатилди.

Шундан сўнг М.Мелибоев асосий қарз, жарима ҳамда хизмат ҳақини вақтида тўлмасдан ўзига етказган маънавий зарарни ундириб беришда ёрдам сўраб, вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди. Вилоят адлия бошқармасининг даъво аризасига кўра фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг сайёр суд мажлиси Ғаллаорол туманида бўлиб, даъво қаноатлантирилди. "Кўкбулоқ" ширкат хўжалигидан М.Мелибоев ҳисобига 1 миллион 59 минг 875 сўм жарима асосий қарз ва жарима, шунингдек, 50 минг сўм маънавий зарар ундиришга қаратилган ҳал қилув қарори қабул қилинди. 215 минг 240 сўм давлат божини тўлаш ҳам ширкат хўжалиги зиммасига юклатилди.

Ҳа, қонунларимиз инсон манфаатларини ҳимоя қилади. Ҳеч қачон уни четлаб ёки айланиб ўтиб бўлмайди. Кимки қонунни бузишни истаса, худди «Кўкбулоқ» ширкат хўжалиги раҳбарлари каби эл-юрт олдида юзшувут бўлиб қолади.

**Шавкат ЯХШИЕВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Ҳамид ЭГАМ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

